

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**НОМОЗОВ ШУХРАТЖОН ЮЛДАШАЛИ ЎҒЛИ**

**ҚИЗИЛҚУМ ЭКСТРАКЦИОН ФОСФОР КИСЛОТАСИ БАЗАСИДА  
СУЮҚ СУСПЕНДИРЛАНГАН КОМПЛЕКС ЎҒИТЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Номозов Шухратжон Юлдашали ўғли**

Қизилкум экстракцион фосфор кислотаси базасида суюқ  
суспендирланган комплекс ўғитлар олиш технологияси..... 3

**Номозов Шухратжон Юлдашали угли**

Технология получения жидких суспендированных комплексных  
удобрений на базе Кызылкумской экстракционной фосфорной  
кислоты..... 21

**Nomozov Shuhratjon Yuldashali o'g'li**

Technology of liquid suspended complex fertilizers based on  
Kuzylkum wet-process phosphoric acid ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**НОМОЗОВ ШУХРАТЖОН ЮЛДАШАЛИ ЎҒЛИ**

**ҚИЗИЛҚУМ ЭКСТРАКЦИОН ФОСФОР КИСЛОТАСИ БАЗАСИДА  
СУЮҚ СУСПЕНДИРЛАНГАН КОМПЛЕКС ЎҒИТЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Г1758** рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сейтиязаров Атаназар Рейишазарович**  
техника фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Шамшидинов Исроилжон Тургунович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Алланиязов Давран Оразымбетович**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот**

**Навоий Давлат қончилик институти**

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.30.12.2019.T.20.03 рақамли Илмий кенгашнинг « 15 » декабрь 2020 йил соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: [karsuinfo@edu.uz](mailto:karsuinfo@edu.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 19-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел.: (99861) 223-60-47. факс: (99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2020 йил « 03 » декабрь куни тарқатилди.  
(2020 йил « 03 » декабрдаги 2 - рақамли реестр баённомаси).



**А.М. Реџмов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Р.К. Курбаниязов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

**Ш.Н. Туремуратов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг озиқ-овқат ҳавфсизлиги муаммосини ечишда минерал ўғитлар муҳим ўрин эгаллайди. Самарали ағохимикатлар, жумладан функционал таъсирга эга комплекс ўғитлар ишлаб чиқариши нафақат қишлоқ хўжалигида таянч, балки кимё саноати ривожланишининг мезони ҳисобланади. Интенсив боғдорчилик ва сабзавотчиликда томчилаб суғориш шароитида янги турдаги суюқ комплекс ўғитлар (СКЎ) ишлаб чиқариш масаласи кундаланг қўйилмоқда. Шу нуқтаи назардан, экинлар тез ўсиши ва ривожланишига ёрдам берадиган маълум таркиб ва хоссаларга эга бўлган суспендирланган ва суюқ NP- ва NPK-ўғитлар технологиясини жорий қилиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Бутун дунёда СКЎ ишлаб чиқариши термик, концентрланган фосфорли ва полифосфорли кислоталар ишлатиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уни амалга оширишда сифатли фосфат хомашёси, кўп иссиқлик энергияси сарфи, ундан ташқари иссиқ ва совуқ режимдаги икки босқичли аммонийлаштириш жараёнини талаб қилинади. Шу сабабли паст концентрацияли экстракцион фосфор кислотани (ЭФК) қайта ишлашни таъминлаш ҳамда хомашё ва энергетик сарфларни камайтириш имконини берувчи рационал ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсад учун қуйидаги йўналишларда тегишли илмий-техник ечимларни асослаш ЭФКни аммонийлаштириш асосида базис эритма олишнинг мақбул шароитларини топиш; гилли суспензия қушимчали суспендирланган суюқ комплекс ўғитлар (ССКЎ) олиш; аммофос бўтқасини суюқ ва қаттиқ фазаларга ажратиш йўли билан тиниқ СКЎ олиш; карбамид, селитра, КАС (карбамидли-аммиакли селитра) эритмаси ва калий хлоридини қўшиш йўли билан маълум нисбатлардаги озуқа элементларга эга суспендирланган ва тиниқ СКЎ олиш технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда кенг миқёсда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида суюқ ва донадор шакллардаги азотли, фосфорли, калийли ва комплекс ўғитлар ишлаб чиқариши соҳасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан томчилаб суғоришда талаб этиладиган суспендирланган СКЎ олишнинг рационал технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бешта йўналишдаги Ҳаракатлар стратегияси»

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

тўғрисидаги Фармони ҳамда ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983 сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини кескин ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техник адабиётларда суспендирланган ва суюқ комплекс ўғитлар олиш бўйича кенг ҳажмдаги илмий маълумотлар мавжуд. Кочетков В.Н., Рило И.П., Завалин А.А., Колесникова В.А., Эрайзер Л.Н., Янциева С.Х., Кочетков С.П., Позин М.Е., Дормешкин О.Б., McBeath Т.М., Hettiarachchi G.M., Hodge С.А., Motes Т.В., Набиев М.Н., Беглов Б.М., Намазов Ш.С., Бахриддинов Н.С., Таджиев С.М., Раджабов Р., Собиров М.М. каби олимлар томонидан полифосфор ва буғлатилган фосфор кислотаси, азот ва калий компонентлари, ундан ташқари микроэлемент тутган ССКЎ ва СКЎ ишлаб чиқаришнинг физик-кимёвий ва технологик асослари бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари ўтказилган. Орто- ва полифосфор кислоталари асосида СКЎ озуқа компонентлари мос равишда 27 ва 33% кам бўлмаслиги қабул қилинган. СКЎ турғунлаштириш учун эса аттапульгит ва бентонитли гиллари қўлланилади, ундан ташқари уларга фунгицид ва стимулятор фаолликка эга моддалар қўшилади. Хорижий давлатларда  $N:P_2O_5:K_2O = 10:34:0, 11:37:0$  ва  $8:24:0$  маркалардаги азотфосфорли эритмалар кенг тарқалган (Кочетков С.П., Позин М.Е., Hettiarachchi G.M., Hodge С.А.).  $10:34:0$  ёки  $11:37:0$  маркалардаги СКЎ эритмаси полифосфор кислотасини,  $8:24:0$  маркадаги СКЎ 54%  $P_2O_5$  тутган ортофосфор кислотасини аммонийлаш йўли билан олинади. Бу СКЎ таннархини юқори бўлишидан далолат беради. Ундан ташқари Ўзбекистонда концентранган фосфор кислотаси ишлаб чиқариши ташкил этилмаган.

Ҳозирги вақтда «Samarkandkimyo» АЖда суюқ суспендирланган фосфорли селитранинг А маркаси (7-9% N, 7-9%  $P_2O_5$ , 7-9% CaO) ва Б маркасини (13-16% N, 4-6%  $P_2O_5$ , 11-14% CaO) олиш бўйича тажриба-саноат қурилмаси ишламоқда. Аммо суспензия концентрацияси паст, ундан ташқари маҳсулотдаги асосий фосфор сувда эрувчан эмас, балки цитрат эрувчан шаклда бўлади (Таджиев С.М., Раджабов Р., Собиров М.М.).

Шу сабабли, назаримизда «Аммофос-Махам» АЖ ишлаб чиқаришидаги паст концентрацияли ЭФКни ҳар хил нисбатда озуқа компонентларга эга СКЎга қайта ишлаш вақти етиб келди. СКЎ ишлаб чиқаришини қаттиқ ўғитлар ишлаб чиқариши комплексида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ишлаб чиқаришларни ягона циклга мужассамлаштириш сарфларни сезиларли камайтиради. Яъни, СКЎ ишлаб чиқаришини ташкил қилиш катта қийинчилик тўғдирмайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170928461-сон «Тозаланган экстракцион фосфор кислотаси ва у асосида юқори маркадаги аммоний фосфатини олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2018-2020 йй.) ва «Аmmofos-Махам» №17-03-сон «Суспендирланган мураккаб ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қизилқум экстракцион фосфор кислотаси, карбамид, аммиакли селитра, КАС эритмаси ва калий хлориди базасида суспендирланган суюқ комплекс ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қизилқум ЭФКсининг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш. Ҳар хил қийматлардаги рНда Қизилқум ЭФКсини аммонийлаштириш йўли билан базис эритма тайёрлаш;

Ўзбекистон конлари бентонитларидан олинган 26%-ли гилли суспензиянинг реологик таснифларини аниқлаш;

гилли суспензия кўшилган аммофос бўтқасининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш (зичлик, қовушқоқлик, кристалланиш ҳарорати, электр ўтказувчанлик, буғ босими, тиниш даражаси);

гилли суспензия кўшилган аммофос бўтқаси, аммиакли селитра, КАС эритмаси, карбамид ва калий хлориди базасида озуқа компонентлари бўйича меъёрлаштирилган NP- ва NPK-ўғитларнинг таркиб ва хоссаларини ўрганиш;

тозаланган аммофос суспензияси, аммиакли селитра, КАС эритмаси, карбамид ва калий хлориди асосидаги тиниқ NP- ва NPK-ўғитларнинг таркиб ва хоссаларини ўрганиш;

BGMN/Profex Rietveld дастурий таъминотни жалб қилган ҳолда рентгенография ёрдамида аммофос бўтқаси каттик чўкмасининг тузли таркибини миқдорий таҳлил қилиш;

аммофос бўтқаси ва унинг тозаланган суспензияси, КАС эритмаси ва калий хлориди асосидаги ССКЎ ва СКЎларни агрокимёвий баҳолаш;

тавсия қилинган маркалардаги ССКЎ ва СКЎ олиш жараёнларининг технологик тизимини ишлаб чиқиш, моддий баланси ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш;

«Аmmofos-Махам» АЖда янги турдаги ССКЎ ва СКЎ олиш жараёнининг параметрларини синовдан ўтказиб, маҳсулотнинг тажриба партиясини ишлаб чиқариш.

**Тадқиқотнинг объекти** экстракцион фосфор кислотаси, аммиак, аммиакли селитра, КАС эритмаси, карбамид, калий хлориди, бентонит, чўкма, суспендирланган ва суюқ NP- ва NPK-ўғитларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** ЭФКни ҳар хил қийматларгача аммонийлаштириш, азотли ва калийли компонентлар кўшиш йўли билан аммофос бўтқаси (гилли суспензия кўшилган) таркибини меъёрлаштириш,

ундан ташқари аммофос бўтқаси таркибини қаттиқ зарралардан тозалаш, кейинчалик суюқ фазага азотли ва калийли компонентларни қўшиш йўли билан СКЎ сифатини яхшилаш жараёнларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари, ундан ташқари тажриба-саноат, вегетацион ва лизиметрик шароитлардаги агрокимёвий синовлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

суспендирланган суюқ комплекс ўғитлар олишда паст концентрацияли фосфор кислотасини аммонийлаштириш йўли билан базис эритмаси тайёрлашнинг мақбул режими аниқланган;

барча ҳажм бўйича гомогенлик ва қатламга ажралишга тўрғунликни сақлаган, унинг кристаллари муаллақ ҳолатда турувчи СКЎ олишда 26%-ли гилли суспензиянинг мақбул меъёри (Аммофос бўтқаси : Гилли суспензия = 100 : 3) аниқланган;

илк бор магний комплекс тузлари асосида аммофос бўтқасидаги қаттиқ чўкманинг миқдорий таркиби ВGMN/Profex Rietveld дастурий таъминоти комплекти асосида аниқланган;

томчилаб қўллашга яроқли бўлган суюқ комплекс ўғит сифатини сезиларли яхшилаш ва узоқ таъсир муддатига эга NPMg-ўғит олиш имконини берувчи аммофос бўтқасини қаттиқ ва суюқ фазаларга ажратиш шароитлари асосланган;

аммофос бўтқаси ва унинг тозаланган суспензияси, карбамид, КАС эритмаси, аммиакли селитра ва калий хлориди асосида янги турдаги меъёрлаштирилган суспендирланган ва суюқ NP- ва NPK-ўғитлар олинган;

бирлашган технологик тизимда суспендирланган ва тиниқ NP- ва NPK-ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

3% гилли суспензия қўшилган тўрғун аммофос бўтқаси, аммиакли селитра, КАС, карбамид ва калий хлориди асосида суспендирланган NP- ва NPK-ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

томчилаб суғоришга яроқли бўлган суюқ эрувчан СКЎ олишга базис эритма ва узоқ таъсир муддатига эга қаттиқ NPMg-ўғит олишга тўлиқ мос келадиган тиниқ аммофос суспензияси ва чўкманинг мақбул таркиблари ишлаб чиқилган;

ягона технологик циклда турғун базис аммофос бўтқаси ёки суспензияси, аммиакли селитра, КАС эритмаси, карбамид, калий хлориди базасида суспендирланган ва тиниқ NP- ва NPK-ўғитлар олишнинг мослашувчан технологик тизими яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари, агрокимёвий ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, 3% гилли суспензия қўшилган аммофос бўтқаси ёки аммоний фосфатининг тозаланган эритмаси, аммиакли селитра, КАС эритмаси, карбамид ва калий хлориди



асосида янги турдаги меъёрлаштирилган суспендирланган ва тиниқ СКЎ таркиб ва хоссалари ўртасида ўзаро қонуниятни аниқлашга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган технология қишлоқ хўжалигини яхши техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга суспендирланган ва суюқ тиниқ NP- ва NPK-ўғитлар билан таъминлайди ва томчилаб суғориш шароитидаги иссиқхона хўжаликларида илдиз ташқарисидан озиклантиришда (шу қаторда, боғдорчилик, мевазорлик, узумчилик ва бошқалар) қўллашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий хомашёлар асосида суюқ ва суспендирланган комплекс ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

3% гилли суспензия қўшилган аммофос бўтқа, КАС-32 эритмаси ва калий хлориди асосида ССКЎ олиш технологияси «Аmmofos-Махам» АЖнинг «амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Аmmofos-Махам» АЖнинг 2020 йил 16 сентябрдаги 1520/С-сон маълумотномаси). Натижада, кам иссиқлик энергияси ва эксплуатацион сарф харажатларга эга турли хил нисбатларда озуқа элементларга эга бўлган турғун СКЎ олиш имкониятини берган;

тозаланган аммофос суспензияси, КАС-32 эритмаси ва калий хлориди асосида тиниқ СКЎ олиш технологияси «Аmmofos-Махам» АЖнинг «амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Аmmofos-Махам» АЖнинг 2020 йил 16 сентябрдаги 1520/С-сон маълумотномаси). Натижада, СКЎ ассортиментини кенгайтириш ва қишлоқ хўжалигини томчилаб суғориш шароитида экинларни илдиз ташқарисидан озиклантириш учун суюқ препаратлар билан таъминлаш имконини берган;

суспендирланган мураккаб ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича Х-Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида «Аmmofos-Махам» АЖ билан 17-03-сонли хўжалик шартномаси тузилган (2017 йил 24 мартда № 17-03/646 юр рақам билан рўйхатга олинган). Натижада кам сарф-харажатли суспендирланган суюқ комплекс ўғитларнинг тажриба-саноат ишлаб чиқаришини ташкил қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, диссертациянинг (PhD) асосий илмий натижалари 7 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган ва натижаларнинг амалиётга жорий этилиши берилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши буйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда **«Суюқ комплекс ва суспендирланган минерал ўғитлар, уларнинг олиниш усуллари»** адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда суюқ ўғитлар ишлаб чиқаришининг ҳолати кўриб чиқилган. Термик ва полифосфор кислотаси, стандарт ЭФК ёки унинг аммонийлашдаги қаттиқ маҳсулотлар, фосфорит рудасини нитраткислотали қайта ишлашдаги суюқ суспензияси, ундан ташқари ўсимликлар ўсишини тезлаштирувчи ва инсектицид фаолликка эга ўғитларни ўз ичига олган СКЎ ва ССКЎ олишнинг турли усуллари таҳлил қилинган. Олдинги бажарилган ишлар таҳлили ишнинг мақсад ва вазифаларини шакллантиришга имкон берган.

Диссертациянинг **«Суюқ комплекс ўғитлар олиш учун хомашё материаллари тавсифи ва тадқиқотнинг физик-кимёвий усуллари»** иккинчи бобида Қизилқум ЭФК эритмаларининг зичлиги, қовушқоқлиги ва қайнаш ҳароратлари келтирилган.

Базис аммофос бўтқасини ( $pH=3,54-6,56$ ) тайёрлаш учун дастлабки материаллар сифатида таркибида 17,17%  $P_2O_5$ , 2,2%  $SO_3$ , 0,16%  $CaO$ , 0,22%  $MgO$ , 0,39%  $Fe_2O_3$ , 0,53%  $Al_2O_3$ ,  $\rho = 1,2 \text{ г/см}^3$  бўлган ЭФК ва 99,5 %-ли  $NH_3$  олинган. Меъёрлашган суюқ NP- ва NPK-ўғитлар олиш учун азотли компонентлар сифатида  $NH_4NO_3$  (34,4% N),  $(NH_2)_2CO$  (46% N) ва КАС-32 эритмаси (32% N), калий сифатида эса –  $KCl$  (60%  $K_2O$ ) ишлатилди. СКЎга стабилловчи кўшимча сифатида таркибида (оғир.%) 46,06  $SiO_2$ ; 6,78  $Al_2O_3$ ; 3,0  $Fe_2O_3$  4,33  $MgO$ ; 12,2  $CaO$ ; 0,77  $P_2O_5$ ; 9,35  $CO_2$ ; 1,02  $K_2O$ ; 0,75  $Na_2O$ ; 6,0  $H_2O$ ; қиздиришда йўқотиш 20,9%, зарралар ўлчами 40 мк бўлган бентонит гили хизмат қилди. Ҳозирги кунда у саноат миқёсида қазиб олинмоқда (ГОСТ 25795-83). Бентонитнинг гилли минераллари монтмориллонит, каолинит, палыгорскит, гидрослюда ва хлорит ҳисобланади. Ундан ташқари кальцит, кварц, дала шпати, барит ва бошқ. мавжуд.

ЭФК, аммофос бўтқаси ва суспензияси, гил, азотли ва калийли компонентлар, СКЎ ва ССКЎ кимёвий таҳлили маълум усулларда ўтказилди. Ўғитларнинг 10%-ли суспензияси рН қийматини ўлчаш 0,05 рН бирлик аниқликдаги И-130М иономериди амалга оширилди. ССКЎ ва СКЎларнинг зичлиги пикнометрик, қовушқоқлиги эса кинематик усулларда аниқланди. ССКЎ ва СКЎ устидаги бўғ босимини аниқлаш динамик усулда амалга оширилди. ССКЎ ва СКЎларнинг солиштирма электр ўтказувчанлиги Mettler Toledo (Германияда ишлаб чиқарилган) ускунасида ўлчанди. ССКЎ намуналарининг тиниш даражаси сақлаш давомийлигига боғлиқ равишда

аниқланди:  $\omega, \% = \frac{h_1 - h_2}{h_1} \cdot 100$ , где,  $h_1$  – суюқликнинг умумий баландлиги, мм;  $h_2$  – тинмаган қисм баландлигининг сатҳи, мм.

Бентонит ва аммофос бўтқа чўкмасининг рентгенографик таҳлили XRD-6100 (Shimadzu, Японияда ишлаб чиқарилган) дифрактометрида ўтказилди. Минерал фазаларни таққослаш 2013 International Centre for Diffraction Data базасини қўллаш орқали амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи боби «Қизилқум экстракцион фосфор кислотаси, азотли ва калийли тузлар базасида суспендирланган NP- ва NPK-ўғитлар» ЭФКни аммонийлаштириш (рН = 3,54; 4,51; 5,53; 6,07 ва 6,56 гача) йўли билан базис аммофос бўтқаси ва унинг базасида суспендирланган СКЎ олиш жараёнларига бағишланган. Кўрсатдики, бўтқа рН кўрсаткичи 3,54 дан 6,56 гача ошиши билан N миқдори 3,32 дан 6,29% гача ортади,  $P_2O_{5\text{умум}}$  миқдори эса 16,22 дан 16,06% гача камаяди. Унда  $P_2O_{5\text{сув.эрув.}}$  :  $P_2O_{5\text{умум}}$  ва  $P_2O_{5\text{ўзл.}}$  :  $P_2O_{5\text{умум}}$  91,31-97,10 ва 98,43-99,44% оралиғида бўлади.

Аниқландики, аммофос бўтқасини сақлашда қаттиқ чўкмаларнинг жадал чўкиши кузатилади. Қаттиқ фаза чўкишидан сақловчи асосий усуллардан бири – эритмага коллоид гилини киритишдир, бу ўз навбатида СКЎда озуқа моддалар миқдори йиғиндисини ошириш имконини беради. Бунинг учун гилли суспензия бентонит кукунини (40 мк) иссиқ сув (80°C) билан 5 соат давомида жадал аралаштириш йўли билан тайёрланди. 26 %-ли гилли суспензия (ГС) тайёрланди ва у аммофос бўтқасига (АБ) 100:1 дан 100:3 гача бўлган АБ:ГС оғирлик нисбатларда қўшилди. Кўрсатдики, бунда суспендирланган аммофос бўтқасининг тиниш даражаси 72 соатдан кейин гил қўшилмаган бўтқага (37-52%) нисбатан 1,48-2,19 баробар кам бўлади. рН қанча юқори бўлса, тиниш даражаси шунча пастдир. Гилли суспензиянинг мақбул миқдори 3% ҳисобланади, бу ҳолатда СКЎ тиниш даражаси 20-25% дан ошмайди. 30-60°C ҳароратларда суспендирланган бўтқалар яхши реологик хоссаларга эгадир ( $>1,3 \text{ г/см}^3$  ва  $>10 \text{ сПз}$ ).

N: $P_2O_5$  = 1:0,5, 1:0,7 ва 1:1 маркалардаги меъёрлашган суспендир NP-ўғитлар олиш мақсадида 3% гилли суспензия тутган аммофос бўтқасига (рН = 4,51; 5,53; 6,07; 6,56) майдаланган аммиакли селитра, карбамид ва КАС-32 эритмаси киритилди. 1-жадвалда рН=6,56 қийматдаги аммофос бўтқаси асосидаги маҳсулотлар таркиби келтирилган.

Кўрсатдики, рН ва N :  $P_2O_5$  оғирлик нисбатига боғлиқ равишда аммофос бўтқаси ва аммиакли селитра асосидаги NP-ўғитларда N ва  $P_2O_{5\text{умум}}$  миқдорлари мос равишда 12,62 дан 18,56% гача ва 9,28 дан 12,62% гача оралиқларда ўзгаради. Уларда  $P_2O_{5\text{сув.эрув.}}$  :  $P_2O_{5\text{умум}}$  = 92,27-92,39% ва  $P_2O_{5\text{ўзл.}}$  :  $P_2O_{5\text{умум}}$  = 99,20-99,34% мавжуддир.

Шунга ўхшаш таркиблар, ҳам карбамид, ҳам КАС-32 эритмаси қўллаганилганда олинади. Энг юқори озуқа компонентларга (13,51-21,01% N ва 10,51-13,51%  $P_2O_5$ ) карбамиддан олинган суюқ маҳсулотлар, энг кам озуқа компонентларга КАС-32 эритмасидан олинган маҳсулотлар (12,56-18,18% N ва 9,09-12,56%  $P_2O_5$ ) эга бўлади. N: $P_2O_5$  нисбатига боғлиқ равишда суспендирланган NP-ўғитларнинг кристалланиш ҳарорати: селитра қўлланилганда  $-3 \div -16^\circ\text{C}$ , карбамид қўлланилганда  $-13 \div +15^\circ\text{C}$  ва КАС-32

эритмасини қўлланилганда  $-17 \div -23^{\circ}\text{C}$  ташкил этади. Ўзбекистон шароитида барча маркадаги СКЎ баҳор-куз даврида қўлланилиши мумкин, қачонки ҳавонинг ўртача ҳарорати  $-23^{\circ}\text{C} - +15^{\circ}\text{C}$  оралиғида ўзгаради.

### 1-жадвал

#### Аммофос бўтқаси (рН=6,56) ва азотли компонентлар асосидаги суспендирланган NP-ўғитлар таркиби



N : P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> оғирлик нисбати	Бўтқадаги сув миқдори, %	Компонентлар миқдори, оғир.%		$\frac{P_2O_5^{\text{ўзл.}}}{P_2O_5^{\text{умум.}}}$ %	$\frac{P_2O_5^{\text{сув.эр.}}}{P_2O_5^{\text{умум.}}}$ %	T <sub>крист.</sub> °C
		N <sub>умум.</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> умум.			
<b>Аммиакли селитра қўшимчаси билан</b>						
1 : 0.5	32,26	18,56	9,28	99,20	92,27	-3
1 : 0.7	36,94	15,62	10,93	99,28	92,34	-16
1 : 1	42,81	12,62	12,62	99,34	92,39	-16
<b>Карбамид қўшимчаси билан</b>						
1 : 0.5	35,88	21,01	10,51	99,26	92,29	+15
1 : 0.7	40,03	17,19	12,03	99,31	92,34	+3
1 : 1	45,19	13,51	13,51	99,37	92,43	-13
<b>КАС-32 эритмаси қўшимчаси билан</b>						
1 : 0.5	39,67	18,18	9,09	99,36	92,43	-23
1 : 0.7	42,37	15,42	10,79	99,58	92,52	-20
1 : 1	46,47	12,56	12,56	99,77	92,63	-17

Номограммадан (1-расм) яхши кўриш мумкинки, аммофос бўтқаси ва селитра асосидаги суспендирланган NP-ўғитларнинг зичлик ва қовушқоқлиги N:P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> нисбатининг ошиши томонига камайд, бу ЭФК миқдори ортиши билан боғлиқ, демак ССКЎ таркибига у билан кирган сув миқдори билан изоҳланади. Карбамид ва КАС эритмаси учун, ушбу қонуният кузатилсада, аммо бўтқа қовушқоқлиги ортади, бу эса ушбу компонентларнинг кучсиз ёки электролит бўлмаган эритмаларга яқинлиги билан изоҳланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам барча маркадаги суспендирланган NP-бўтқалар суяқ оқувчан ҳолатни сақлайди ва насосларда ҳеч қандай қийинчиликсиз ҳайдалади. Барча ҳолатларда бўтқалар зичлиги 1,35 г/см<sup>3</sup>, қовушқоқлиги 10 сПз дан ортмайди.

Суспендирланган NP-ўғитларнинг бошқа физик-кимёвий хоссалари (буғ босими, электр ўтказувчанлик ва тиниш даражаси) ўрганилди.

СКЎ солиштирма электр ўтказувчанлик кўрсаткичларига ( $\chi$ ) ҳарорат омили сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, 30 ва 50°C да N:P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> нисбатининг 1:0,5 дан 1:1 гача ошиши билан селитра ва КАС-32 эримаси асосидаги ССКЎ учун солиштирма электр ўтказувчанлик мос равишда 37,15 дан 33,15 гача ва 76,58 дан 72,52 гача; 27,38 дан 26,68 гача ва 56,95 дан 50,12 mS/sm гача ўзгаради. Аммо карбамид учун  $\chi$  қиймати сезиларсиз, 8,49 дан 15,33 гача ва 20,43 дан 33,25 mS/sm гача ўзгаради. Бу сувли системаларда электролит сифатида мочевианинг кам электр ўтказиш қобилиятига боғлиқдир.

Шундай қилиб, кучсиз ЭФК базасидаги СКЎ электр ўтказувчанлиги маълум бўлган суяқ ўғитларга яқиндир, чунки уларда қўшимчалар концентрацияси унча юқори эмас.



**1-расм. N:P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> нисбати ва ҳароратга боғлиқ равишда аммофос бўтқаси (рН=6,56), селитра (1), КАС-32 эритмаси (2) ва карбамид (3) асосидаги суспендирланган NP-ўғитларнинг зичлик ва қовушқоқлик ўзгаришлари.**

N га нисбатан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> концентрациясининг оширилиши ССКЎда эркин сув масса улушининг кўпайиши натижасида буғ босимининг сезиларли ошишига олиб келади. ССКЎ устидаги буғ босимининг энг кескин ошиши ҳароратнинг 50°С ва ундан юқорисида кузатилади. Аммофос бўтқаси (рН=6,56), селитра, карбамид ва КАС-32 эритмаси асосида ўрганилган суюқ NP-ўғитларнинг туйинган буғ босими 293-343К оралиғида 1,91-19,99; 0,85-19,71 ва 0,77-20,41 кПа ни ташкил этади, бу эса уларнинг иссиқ иқлим шароитларда кам учувчанлигидан далолат беради.

Бунинг барчаси шундай хулоса қилишга имкон берадики, 40°С гача бўлган ҳароратда сақлаганда, суспендирланган NP-ўғитлар кам учувчанликка эга ва гилли суспензия кўшилган шароитдагина ўзининг физик-кимёвий хоссаларини ўзгартирмасдан узоқ вақт давомида сақлаш мумкин.

Кейинчалик суспендирланган NP-бўтқаларга N:P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>:K<sub>2</sub>O = 1:0,5:0,3; 1:0,7:0,5 ва 1:1:1 нисбатларда кристалл калий хлоридини кўшиш йўли билан меъёрлашган NPK-ўғитлар намуналари олинди.

2-жадвалдан кўринмоқдаки, селитрани қўллаш орқали олинган маҳсулотларда маркага боғлиқ равишда озуқа компонентлари йиғиндиси (N+P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>+K<sub>2</sub>O) 30,66-31,35%, улардан 10,45-17,03% N, 5,11-10,45% K<sub>2</sub>O ва 8,52-10,45% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>умум., P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>ўзл. : P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>умум. – 99,27-99,43 ва P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>сув.эрув. : P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>умум. = 92,30-92,42% ни ташкил этади.

Энг юқори зичликка (1,463 г/см<sup>3</sup>) 1:0,5:0,3 нисбатда селитра асосидаги NPK-бўтқаси, энг юқори қовушқоқликка (21,25 сПз) 1:1:1 нисбатда карбамид асосида NPK-бўтқаси эга бўлади. Бунда бўтқа ҳарорати – 30°С.

**Аммофос бўтқаси (рН=6,56), азотли компонентлар ва калий хлориди асосида суспендирланган NPK-ўғитлар таркиби**

N:P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> :K <sub>2</sub> O оғирлик нисбати	Бўтқадаги сув микдори, %	Компонентлар микдори, оғир. %			P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sub>ўзд.</sub> P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sub>умум.</sub> %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sub>сув.эр.</sub> P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sub>умум.</sub> %	T <sub>крист.</sub> °C
		N <sub>умум.</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sub>умум.</sub>	K <sub>умум.</sub>			
Аммофос бўтқаси, аммиакли селитра ва калий хлориди асосида							
1 : 0.5 : 0.3	29,93	17,03	8,52	5,11	99,27	92,30	+12
1 : 0.7 : 0.5	32,94	13,85	9,69	6,92	99,33	92,36	+21
1 : 1 : 1	36,64	10,45	10,45	10,45	99,43	92,42	+22
Аммофос бўтқаси, КАС-32 эритмаси ва калий хлориди асосида							
1 : 0.5 : 0.3	36,76	16,72	8,36	5,02	99,45	92,49	+9
1 : 0.7 : 0.5	37,69	13,70	9,59	6,85	99,70	92,64	+11
1 : 1 : 1	39,83	10,42	10,42	10,42	99,88	92,71	+12
Аммофос бўтқаси, карбамид ва калий хлориди асосида							
1 : 0.5 : 0.3	32,86	19,09	9,54	5,73	99,29	92,34	-2
1 : 0.7 : 0.5	35,19	15,09	10,56	7,54	99,34	92,42	-18
1 : 1 : 1	38,27	11,07	11,07	11,07	99,49	92,52	+12


Шундай қилиб, уларнинг реологик хоссалари ташиш, сақлаш ва қўллаш учун тўла яроқлидир.

Агарда 72 сутка давомида стабилизатор қўшилмаган 1:0,5:0,3; 1:0,7:0,5 ва 1:1:1 таркиблардаги суспензияларнинг тинган қатлам улуши 43,14; 40,49 ва 34,95% (карбамид асосида); 45,93; 43,52 ва 37,68% (КАС-32 эритмаси асосида) ташкил этса, унда 3% гил қўшилганда у мос равишда 23,03; 21,61 ва 18,66% гача; 24,53; 23,23 ва 20,13% гача камаяди. Шунга ўхшаш ҳолат селитра асосида ҳам кузатилади.

Ўрганилган ҳароратлар (20-50°C) ва N:P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>:K<sub>2</sub>O (1:0,5:0,3-1:1:1) нисбатларда аммиакли селитра, КАС-32 эритмаси ва карбамид қўлланилиш билан NPK-бўтқаларнинг солиштирама электр ўтказувчанлиги мос равишда 39,18-83,81; 31,81-72,41 ва 21,42-50,86 mS/cm оралиғида бўлади. Яъни, ушбу кўрсаткичлар бўйича улар маълум бўлган суяқ ўғитларга яқиндир. Суспендирланган NPK-ўғитларнинг буғ босими эса ССКЎ учун қуйилган меъёрларга мос келади.

Гилли суспензия қўшилган аммофос бўтқаси (рН=6,56), азотли компонентлар ва калий хлориди асосида N:P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>:K<sub>2</sub>O = 1:0,7:0,5 маркадаги 1 тонна суспендирланган NPK-ўғит ишлаб чиқариши учун моддий баланс ҳисобланди (2-расм). Расмдан кўринмоқдаки, КАС эритмаси ва селитра асосида карбамидга қараганда озуқа моддалари бўйича камроқ концентрланган NPK-ўғитлар олинади.

Таъкидлаш лозимки, ҳар хил қўшимчаларнинг: Са, Mg, Fe, Al, F ва бошқалар мавжудлиги туфайли дастлабки аммофос бўтқаси томчилаб беришга жавоб берадиган сувда эрувчан NP- ва NPK-ўғитлар олиш учун тўғридан-тўғри яроқсиздир. СКЎ маркасини яхшилаш, яъни тиник суспензияни олиш ва улардаги сувда эрувчан фосфор микдорини ошириш учун аммофос бўтқасини қаттиқ чўкмалардан тозалаш лозимдир.



## 2-расм. Суспендирланган NPK-ўғитлар ишлаб чиқаришнинг моддий баланси.

Диссертациянинг тўртинчи боби ушбу муаммо ечимига бағишланган «Тозаланган аммофос суспензияси, азотли ва калийли тузлар асосида суюқ комплекс NP- ва NPK-ўғитлар» бўлиб, бу ерда аммоний фосфати тозаланган суспензияси базасида тиниқ NP- ва NPK-ўғитлар олиш технологиясининг техник-иқтисодий ҳисоблари, агрокимёвий ва тажриба-саноат синовлари натижалари келтирилган.

Тозаланган суспензия тайёрлаш аммофос бўтқасини (pH=4,5-6,5) 4000 айл./дақ. тезликда ишлайдиган ОПН-8 лаборатория центрифугасида (Россияда ишлаб чиқарилган) 40°C да 15 дақиқа давомида қаттиқ ва суюқ фазаларга ажратиш йўли билан олинди. Аниқландики, ҳосил бўлган чўкмаларнинг намлиги 60%  $\text{H}_2\text{O}$  ни ташкил этади.

Кейинчалик филтрат ва қуритилган чўкмаларда компонентлар миқдори таҳлил қилинди. Уларнинг таркиби 3-жадвалда келтирилган.

Ундан кўринмоқдаки, қуритилган чўкмаларда 7,68-14,28% N, 46,05-47,20%  $\text{P}_2\text{O}_5$ , 6,35-7,90% MgO мавжуд. Уларда 89,57-92,40 ва 72,82-79,21%


фосфор ўзлашувчан ва сувда эрувчан шаклда бўлади. Чўкмалар NPMg-ўғит сифатида тавсия этилади ёки аммофос ишлаб чиқаришига қайтарилади.

### 3-жадвал

#### Аммофос бўтқасидан олинган чўкмалар ва филтратларнинг таркиби

Бўтқа рН	Компонентлар миқдори, мас. %								$\frac{P_2O_5}{P_2O_5\text{умум.}}$ %	$\frac{P_2O_5\text{суб.эр.}}{P_2O_5\text{умум.}}$ %
	N	$P_2O_5\text{умум.}$	CaO	MgO	SO <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	F		
Филтрат										
4,5	4,77	14,66	йўқ	0,17	3,64	0,051	0,097	0,55	99,42	95,30
5,5	5,12	14,50	йўқ	0,17	4,07	0,035	0,091	0,42	99,67	96,93
6,5	6,18	14,05	йўқ	0,18	3,72	0,034	0,064	0,37	99,85	97,51
Қуритилган каттик чўкма										
4,5	7,68	46,75	1,30	7,90	2,76	1,91	2,76	4,73	92,20	79,21
5,5	11,76	47,20	1,29	7,17	2,32	1,82	2,68	5,01	89,57	73,58
6,5	14,28	46,05	1,29	6,35	3,36	1,55	2,24	4,78	92,40	72,82

Қуритилган, ундан ташқари ювилмаган чўкма фаза таркибини идентификация қилиш мақсадида унинг рентгенографик таҳлили ўтказилди. 3-расмдан кўринмоқдаки, чўкмада мос равишда  $NH_4H_2PO_4$  ва  $(NH_4)_2HPO_4$  - 5,34; 3,76; 3,07; 2,66 ва 5,60; 5,07; 4,98; 4,01Å дифракцион максимумлари аниқ намоён бўлган. 4,35; 3,14; 3,05 ва 3,37; 2,95Å чўққилари  $(NH_4)_2SO_4$  ва  $CaHPO_4$  иштирокидан далолат беради. BGMN/Profex Rietveld дастурий таъминотини қўллаган ҳолда чўкманинг тузли таркиби ҳисобланди.



3-расм. рН=6,5 даги аммофос бўтқаси чўкмасининг рентгенограммаси.

Ҳисобларга кўра, чўкмада кўп қисми ташкил қиладиган бирикмалар  $NH_4H_2PO_4$  (41,74%),  $(NH_4)_2HPO_4$  (18,33%),  $CaHPO_4$  (7,4%),  $(NH_4)_2SO_4$  (4,12%),  $MgFe_4(PO_4)_3(OH)_5 \cdot 2H_2O$  (6,89%),  $NH_4MgPO_4 \cdot 6H_2O$  (5,85%),  $FePO_4 \cdot 2H_2O$  (3,94%),  $AlPO_4 \cdot 2H_2O$  (2,80%) ва бошқалар ҳисобланади.

Эримаган компонентларнинг чўқиш даражаси ҳисобланди. Аниқландики, ўрганилган рН қийматларда (рН=4,5-6,5) аммофос бўтқасида максимал тозаланиш даражасига эришилади (MgO – 88-89%, 86-88% Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, 83-89% Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, 59-75% F).



pH=6,5 да тозаланган аммофос суспензияси таркибида 6,18% N, 14,05% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, 0,18% MgO, 3,72% SO<sub>3</sub>, 0,034% Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, 0,064% Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, 0,37% F бўлади. Унда сульфат иони (NH<sub>4</sub>)<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> кўринишида бўлиб, у маҳсулотга янги сифат беради. Олтингургурт N, P ва K қаторида 4-чи озуқа элементи ҳисобланиб, ҳосил шаклланишида белок ва аминокислоталар таркибига киради. Ушбу суспензия тиниқ NP- ва NPK-ўғитлар учун базис эритма бўлиб хизмат қилди.

Тиниқ NP- ва NPK-ўғитлар олиш учун азот манбаи сифатида селитра ва карбамид куқунлари, КАС-32 эритмаси, калий манбаи сифатида эса – калий хлориди олинди. Маҳсулотлар таркиби 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал

#### Аммоний фосфати суспензияси (pH=6,56), азотли компонентлар ва калий хлориди асосидаги тиниқ NPK-ўғитлар таркиби

N:P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> :K <sub>2</sub> O оғирлик нисбати	Бўтқадаги сув миқдори, %	Компонентлар миқдори, %			P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sup>ўзл.</sup> P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sup>умум.</sup> %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sup>сув.эр.</sup> P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sup>умум.</sup> %
		N <sub>умум.</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> <sup>умум.</sup>	K <sub>умум.</sub>		
Аммоний фосфати суспензияси, аммиакли селитра ва калий хлориди асосида						
1 : 0.5 : 0.3	37,72	16,05	8,14	4,98	99,90	97,52
1 : 0.7 : 0.5	42,67	13,02	9,18	6,62	99,92	97,58
1 : 1 : 1	45,39	9,84	9,84	9,84	99,94	97,67
Аммоний фосфати суспензияси, карбамид ва калий хлориди асосида						
1 : 0.5 : 0.3	41,43	17,60	8,91	5,43	99,94	97,58
1 : 0.7 : 0.5	45,60	13,88	9,78	7,05	99,97	97,66
1 : 1 : 1	47,67	10,22	10,22	10,22	99,99	97,79
Аммоний фосфати суспензияси, КАС-32 эритмаси ва калий хлориди асосида						
1 : 0.5 : 0.3	43,27	15,60	7,91	4,83	99,92	97,54
1 : 0.7 : 0.5	47,20	12,74	8,98	6,48	99,95	97,60
1 : 1 : 1	48,08	9,70	9,70	9,70	99,98	97,72

Масалан, селитра қўллаш билан N:P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>:K<sub>2</sub>O = 1:0,5:0,3 даги NPK-композиция таркиби қўйидаги кўринишга эга бўлади: 16,05% N, 4,98% K<sub>2</sub>O, 8,14% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, ундан 97,52% сувда эрувчан шаклда бўлади, N:P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>:K<sub>2</sub>O = 1:0,7:0,5 учун эса мос равишда 13,02%, 6,62%, 9,18%, 97,58%. 1:1:1 маркаси учун маҳсулот 9,84% дан, яъни йиғиндисидан 29,52% озуқа моддасини тутган. Карбамид қўлланилганда эса бундай марка 10,22% дан, йиғиндисидан 30,66 озуқа моддасини ва P<sub>2</sub>O<sub>5</sub><sup>сув.эрув.</sup> : P<sub>2</sub>O<sub>5</sub><sup>умум.</sup> = 97,79% тутган бўлади. КАС-32 эритмасидан анча паст концентрацияли СКЎ олинади (29% N+P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>+K<sub>2</sub>O, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub><sup>сув.эрув.</sup> : P<sub>2</sub>O<sub>5</sub><sup>умум.</sup> = 97,72%).

Кўрсатдики, 30-80°C ҳароратларда N:P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>:K<sub>2</sub>O нисбатига боғлиқ равишда СКЎ зичлик ва қовушқоқлиги аммиакли селитра, карбамид, КАС-32 эритмаси қўлланилганда мос равишда 1,299-1,338; 1,253-1,322; 1,251-1,319 г/см<sup>3</sup> ва 2,25-4,41; 3,26-6,32; 3,39-6,91 сПз ташкил этади. Демак, улар битта қурилмадан иккинчисига энгил ҳайдалади.


20-50°C оралиғида ўрганилаётган СКЎ солиштирма электр ўтказувчанлиги (χ) селитра, карбамид ва КАС-32 учун мос равишда 48,37 дан 87,53 гача; 17,20 дан 48,82 гача ва 36,91 дан 71,39 mS/cm гача ўзгаради. Ҳарорат ва N:P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>:K<sub>2</sub>O қанча кўп бўлса, электр ўтказувчанлик шунча юқоридир. Таъкидлаш лозимки, тозаланган аммофос суспензия асосидаги

СКЎнинг  $\chi$  қиймати, аммофос бўтқаси асосида ССКЎнинг  $\chi$  қийматидан юқори бўлади. Бу ССКЎнинг қўшимчалар билан ифлосланлиги ҳисобланади.

293-343К ҳарорат оралиғида селитра, КАС-32 эритмаси ва карбамид қўлланилганда СКЎ устидаги сув буғи босими мос равишда 1,00-17,93; 0,51-15,44 ва 0,45-45,37 кПа оралиғида бўлади. Улар Марказий Осиё иссиқ иқлим шароитларида қўллаш учун яроқлидир.

4-расмда тозаланган аммофос суспензияси, КАС-32 эритмаси ва қуруқ аммиакли селитра, карбамид ва калий хлориди асосида 1 тонна СКЎ олишнинг ҳисобланган баланси келтирилган.

- |                            |                            |
|----------------------------|----------------------------|
| а) $H_3PO_4$ – 971,88 кг;  | а) $NH_{3(r)}$ – 74,53 кг; |
| б) $H_3PO_4$ – 991,64 кг;  | б) $NH_{3(r)}$ – 78,07 кг; |
| в) $H_3PO_4$ – 1056,45 кг. | в) $NH_{3(r)}$ – 83,19 кг. |




4-расм. Тиниқ NPK-ўғитлар ишлаб чиқаришнинг моддий баланси.

Олинган натижалар асосида ягона технологик циклда Қизилқум ЭФК базасида икки турдаги суюқ ўғитлар – ССКЎ (I) ва СКЎ (II) ишлаб чиқаришнинг принципиал тизими тавсия этилди (5-расм).

ССКЎ (I) тизимидан фарқли уларок, СКЎ (II) олиш жараёнида аралаштиргичда гилли суспензия тайёрлаш босқичи истисно қилинган,

гарчанд унинг ўрнига каттик NPMg-ўғити ва тозаланган аммофос суспензияни олишга қаратилган аммофос бўтқасини центрифуга ёрдамида каттик ва суюқ фазаларга ажратиш босқичи қўшилган.

ССКЎ ва СКЎ технологияси синовлари «Аммофос-Махам» АЖ тажриба қурилмасида ўтказилиб, жараённинг асосий технологик параметрлари ўрнатилди. Бунда маҳсулотнинг тажриба партияси ишлаб чиқарилди.



**5-расм. Паст концентрацияли экстракцион фосфор кислота базасида ССКЎ ва СКЎ ишлаб чиқаришнинг тизими:**

I<sub>1</sub> - ЭФК сақлагичи; I<sub>2</sub> - сарфлагич; I<sub>3</sub> - ТАБ аппарати; I<sub>4</sub> - конденсатор; I<sub>5</sub> - компрессор; I<sub>6</sub> - потенциометр; I<sub>7</sub> - аммофос бўтқаси учун тўплагич; I<sub>8</sub> - насос; I<sub>9</sub> - улагич; I<sub>10</sub> - гилли суспензия билан аммофос бўтқасини аралаштиргичи; I<sub>11</sub> - гилли суспензия аралаштиргичи; I<sub>12</sub> - бентонит гили учун бункер; I<sub>13</sub> - ССКЎ олишга тузлар эритиш аралаштиргичи; I<sub>14</sub> - азотли компонентлар учун бункер; I<sub>15</sub> - KCl учун бункер; I<sub>16</sub> - транспортер; I<sub>17</sub> - ССКЎ сақлаш учун цистерна; II<sub>18</sub> - центрифуга; II<sub>19</sub> - СКЎ олишга тузлар эритиш аралаштиргичи; II<sub>20</sub> - транспортер; II<sub>21</sub> - KAC эритмаси учун босим остидаги бак; II<sub>22</sub> - сарфлагич; II<sub>23</sub> - насос; II<sub>24</sub> - СКЎ сақлаш учун цистерна.

Техник-иктисодий ҳисоблар кўрсатдики, 1:0,7 ва 1:0,7:0,5 маркалардаги 1 тонна ССКЎ ва СКЎ таннархи мос равишда 729 266; 752 961 ва 884 628; 967 477 сўмни ташкил этади. Уларда 1 тонна озуқа моддалар (N+P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>+K<sub>2</sub>O) таннархи донадор комплекс ўғитлар таннархига нисбатан 1,7 ва 1,3 баробар арзон бўлади.

## ХУЛОСА

Диссертация иши бажарилишида олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагича:

1. Таркибида (оғир.%): 17,17%  $P_2O_5$ , 2,2%  $SO_3$ , 0,16%  $CaO$ , 0,22%  $MgO$ , 0,39%  $Fe_2O_3$ , 0,53%  $Al_2O_3$  бўлган ЭФКни газсимон аммиак  $pH = 3,54-6,56$  гача нейтраллаш жараёни ўрганилди. ЭФКни аммонийлаштиришда ҳосил бўладиган кимёвий бирикмалар рўйхати келтирилди. Аммофос бўтқасининг тиниш даражаси аниқланди. Кўрсатдики, 3% гилли суспензия қўшимчаси бўтқага барча ҳажм бўйича гомогенлик ва қатламга ажралишга тўрғунликни таъминлайди, натижада барқарорлиги 1,5-2 баробар ортади. Аммонийлашган ЭФК NP- ва NPK-ўғитлар олиш учун базис эритма бўлиб хизмат қилади.

2. Гилли суспензия қўшимчали аммофос бўтқаси, аммиакли селитра, карбамид ёки КАС-32 эритмаси асосида  $N:P_2O_5 = 1:0,5, 1:0,7$  ва  $1:1$  оғирлик нисбатларда олинган суспендирланган NP- ўғитларнинг таркиби ўрганилди. Карбамид қўшиш орқали олинган суюқ маҳсулот таркиби энг кўп озучавий (13,51-21,01% N ва 10,51-13,51%  $P_2O_5$ ), КАС-32 эритмаси қўшилганда эса энг кам озучавий (12,56-18,18% N ва 9,09-12,56%  $P_2O_5$ ) элементлар ташкил этади.

3. Суспендирланган NP-ўғитларнинг хоссалари (зичлик, ковушқоқлик, кристалланиш ҳарорати, электр ўтказувчанлик, тўйинган буғ босими ва тиниш даражаси) ўрганилди. Барча ҳолатларда бўтқалар суюқ оқувчан, уларнинг зичлиги  $1,35 \text{ г/см}^3$ , ковушқоқлиги -10 сПз дан ошмайди. Барча маркадаги суюқ NP- ва NPK- ўғитларнинг электр ўтказувчанлиги маълум суюқ ўғитларга яқин, улар оддий ҳароратда кристалланмайди, бундан ташқари иссиқ иқлим шароитларда кам учувчанликка эга ва узоқ вақт ўзининг физик-кимёвий хоссаларини ўзгартирмасдан сақлайди.

4. Суспендирланган NP-бўтқага калий хлоридини қўшиш йўли билан  $N:P_2O_5:K_2O = 1:0,5:0,3; 1:0,7:0,5$  ва  $1:1:1$  нисбатларда суспендирланган NPK-ўғитлар олиш жараёни ўрганилди. Аммофос бўтқаси  $pH$  кўрсаткичи 4,5-6,5 да селитрани қўллаб олинган маҳсулотларда маркага боғлиқ равишда озуча компонентлари йиғиндиси ( $N+P_2O_5+K_2O$ ) 30,66-31,35%, улардан 10,45-17,03% N, 5,11-10,45%  $K_2O$  ва 8,52-10,45%  $P_2O_{5\text{умум.}}$ ,  $P_2O_{5\text{ўзл.}}$  :  $P_2O_{5\text{умум.}}$  – 99,27-99,43 ва  $P_2O_{5\text{сув.эрув.}}$  :  $P_2O_{5\text{умум.}}$  = 92,30-92,42% ни ташкил этади. Улар суюқ оқувчан ва уларни марказдан қочма насослар орқали узатишда қийинчилик туғдирмайди. Карбамид ва КАС-32 эритмаси учун ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилади.

5. Суспендирланган ЖКУ маркасини яхшилаш, яъни тиниқ суспензия олиш ва ундаги сувда эрувчан фосфор миқдорини ошириш учун аммофос бўтқаси ( $pH=6,5$ ) таркибидан қаттиқ чўкмаларни йўқотиш тавсия этилади. Бунда бўтқа максимал тозаланишга эришилади ( $MgO - 89\%, 88\% Fe_2O_3, 89\% Al_2O_3, 75\% F$ ). Чўкма қаттиқ NPMg-ўғит сифатида тавсия этилади. Таркибида 6,18% N, 14,05%  $P_2O_5$ , 0,17%  $MgO$ , 4,07%  $SO_3$ , 0,034%  $Fe_2O_3$ , 0,064%  $Al_2O_3$ , 0,37% F тутган тозаланган суспензия томчилаб суғориш учун мўлжалланган эрувчан NP- ва NPK-ўғитлар олиш учун базис эритма бўлиб хизмат қилади.

6. Аммофос бўтқаси ёки суспензияси, азотли ва калийли компонентлар асосида ягона технологик циклда ССКЎ ва СКЎ олишнинг технологик тизими ишлаб чиқилди, унинг моддий баланси ҳисобланди. "Аммофос-Максам" АЖ тажриба қурилмасида ССКЎ ва СКЎ технологияси синовдан ўтказилди ва маҳсулотлар партиялари ишлаб чиқарилди.

7. Техник-иқтисодий ҳисоблар, 1:0,7 ва 1:0,7:0,5 маркалардаги 1 тонна ССКЎ ва СКЎ таннархи мос равишда 729 266; 752 961 ва 884 628; 967 477 сўмни ташкил этишини кўрсатди. СКЎ нисбатан юқори таннархи аммофос бўтқасини суюқ ва қаттиқ фазаларга ажратиш каби қўшимча босқичга боғлиқдир. ССКЎ ва СКЎлардаги 1 тонна озуқа моддалар таннархи донатор комплекс ўғитлар солиштирганда 1,7 ва 1,3 баробар арзон бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**НОМОЗОВ ШУХРАТЖОН ЮЛДАШАЛИ УГЛИ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ЖИДКИХ СУСПЕНДИРОВАННЫХ  
КОМПЛЕКСНЫХ УДОБРЕНИЙ НА БАЗЕ КЫЗЫЛКУМСКОЙ  
ЭКСТРАКЦИОННОЙ ФОСФОРНОЙ КИСЛОТЫ**

**02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Нукус – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2020.2.PhD/Г1758 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.  
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.karsu.uz](http://www.karsu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» по адресу [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Сейтнизаров Атаназар Рейпназарович</b> доктор технических наук
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Шамшидинов Исраилжон Тургунович</b> доктор технических наук, профессор <b>Алланиязов Давран Оразымбетович</b> доктор философии технических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Навоийский государственный горный институт</b>

Защита диссертации состоится «15» декабря 2020 году в «13<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.20.03 при Каракалпакском государственном университете по адресу: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, 1. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)

С диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрировано за №19). Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1). Тел.: (99861) 223-60-78.

Автореферат диссертации разослан «03» декабря 2020 года (протокол рассылки № 2 от «03» декабря 2020 года.



**Реймов А.М.**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученой степени,  
д.т.н., профессор

**Курбаниязов Р.К.**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени,  
к.т.н., доцент

**Туремуратов Ш.Н.**  
Председатель Научного семинара  
при научном совете по  
присуждению ученой степени,  
д.х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Мировой опыт показывает, что минеральные удобрения играют ключевую роль при решении проблемы продовольственной безопасности любой страны. Производство эффективных агрохимикатов, в частности комплексных удобрений функционального действия является не только опорой сельского хозяйства, но и критерием развития химической промышленности. В условиях капельного орошения интенсивного садоводства и овощеводства остро стоит вопрос о создании новых видов жидких комплексных удобрений (ЖКУ). В этом аспекте большое значение имеет внедрение технологии суспендированных и жидких NP- и NPK-удобрений с заданным составом и свойствами, способствующие быстрому росту и развития культур.

Во всем мире производство ЖКУ неразрывно связано с применением термической, концентрированной фосфорной и полифосфорной кислот, требующие для своего осуществления качественное фосфатное сырье, большие теплоэнергетические затраты, к тому же двухступенчатый процесс аммонизации в горячем и холодном режимах. Исходя из этого, разработка и реализация рационального решения, обеспечивающего переработку низкоконцентрированной экстракционной фосфорной кислоты (ЭФК) и позволяющего снизить сырьевых и энергетических расходов является актуальной задачей. Для этой цели необходимо обосновать соответствующие научно-технические решения по следующим направлениям: нахождение оптимальных условий получения базисного раствора на основе аммонизации ЭФК; получение суспендированных жидких комплексных удобрений (СЖКУ) с добавкой глиняной суспензии; получение прозрачных ЖКУ путем разделения аммофосной пульпы на жидкую и твердую фазы; разработка технологий получения суспендированных и прозрачных ЖКУ с заданными соотношениями питательных элементов путем добавки карбамида, селитры, раствора КАС (карбамидо-аммиачная селитра) и хлорида калия.

В республике на основе реализации широкомасштабных мероприятий достигнуты существенные результаты в области производства азотных, фосфорных, калийных и комплексных удобрений в жидких и гранулированных формах. В третьем направлении Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, предусмотренной в 2017-2021гг. отмечены важные задачи, направленные на «...развитие высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...»<sup>1</sup>. В этом плане приобретает разработка рациональной технологии получения суспендированных ЖКУ, необходимых для капельного орошения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях Президента

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».



